

Болалигимизда Жюл Верннинг «Ўн беш ёшли капитан», «Капитан Грант болалари» асарларини севиб ўкиганмиз, Немо билан сув остида 80 минг лёлик сафарларга чикканмиз. «Сирли ороллар»га бориб колганмиз, ажойиб саргузаштлар гувохи бўлганмиз. Бу хакдаги фильмларни телевизор оркали кайта-кайта кўриб тўймаймиз. Одамларни жасоратга, адолатга даъват этувчи бу қахрамонларнинг хаммаси умр бўйи биз билан бирга.

Машхур француз ёзувчиси Жюл Верннинг кишини хайратга солувчи маҳорати факат шугина эмас. У келажакни, фан-техника тараккиёти истиқболини олдиндан башорат кила олган. Хусусан, «Клодиус Бонбарнак» асарида ёритилган воқеалар адибнинг ноёб тафаккур сохиби эканидан далолат беради.

Романдаги воқеаларнинг асосий кисми ўлкамизда бўлиб ўтгани диккатга сазовор. Асарда XIX асрнинг охирларида Туркистон заминида рўй берган ходисалар каламга олинган. Муаллиф франтсуз журналистининг саёҳатлари воситасида гўёки келажакка ташриф буюради.

Бу воқеалар баёнидан аввал тарихга назар ташласак. Россия империяси Крим урушида маглубиятга учрагач, диккатини Шаркка, Марказий Осиёга каратди. Аввал Окмачит (хозирги Кизил Ўрда), Чимкент, Тароз, Олма-ота шахарларини забт этгач, 1865 йилнинг ёзида Тошкент шахрини босиб олди.

Россия янги жойларда мустахкам ўрнашиб олиш, унинг имкониятларидан тўла фойдаланиш, рус капиталини киритиш учун, аввало, темир йўл куриш лозимлигини яхши англарди. Шу туфайли Кушка, Термиз, Душанбе ва бошка катор жойларда чегара шахарчалари - харбий калъалар барпо этилди.

1880 йили Каспий денгизининг Узун-Ада ярим оролида дастлабки темир йўл релслари ўрнатилди. Пўлат излар Ашхобод, Марв, Чоржўй оша Амударёдан ўтиб, 1888 йили Бухорога, сўнгра Самар-кандга етиб келди. 1899 йили Тошкентда, 1916 йили эса Фарғонада дастлабки паравозлар сурони эшилди.

Чорак аср давом этган курилиш хакида кўплаб асарлар чоп этилган. Бу асарларни Жюл Верннинг ўкиганлиги эҳтимолдан йирок. Негаки у рус тилини билмаган ва Марказий Осиёда бўлмаган. Аммо темир йўл курилиши, унинг ахамияти, келажаги хакида маълумотларни тўплаган, кейин эса... хаёлот канотида ажойиб саргузашт асар яратган. Колаверса, китоб 1892 йили босмадан чиккан. Бу пайтда темир йўл курилиши Бухоро ва Самарканд атрофида олиб борилар эди.

Жюл Верннинг «Клодиус Бонбарнак» романидаги воқеалар, Узун-Ада бекатидан бошланиб Ашхобод, Марв, Чоржўй, Бухоро, Самарканд, Тошкент, Кўкон, Мар-гилон, Ўш, Кашкар оркали Пекинга борувчи транс континентал экспресс йўловчи ташувчи поездда бўлиб ўтади. Асар қахрамони - газета муҳбири бекатларда тушиб, шахарларни айланади, кадимий ёдгорликларни томоша килади, одамлар, урф-одатлар, ўлка

киёфаси хакида маълумотлар тўплайди.

Романда Ўзбекистон хакида хам кўплаб маълумотлар келтирилган. Жумладан,

«Амударёни илгари Окус деб атаганлар. У Хинд ва Ганг дарёлари билан ракобатлаша олади. Качонлардир бу дарё Каспий денгизига куйилган. Хозир эса Орол денгизига куйилади. Амударё Помир чўккиларида эриган сувни дашт ва кумликлар оркали икки ярим минг километрга олиб боради.

Поэздимиз сув сатхидан 11 метр баланд килиб, минглаб козиклар устига ўрнатилган бир ярим километрлик кўприк оркали ўтиб олди. Буюк Транс Осиё йўлида энг катта хисобланган бу кўприкни генерал Аннеков 10 ой ичидаги курбонада битказди».

«Бухоро шахри бекатдан анчагина олисда экан, агар тор изли темир йўл бўлмаганда Бухорони кўролмас эканман. Ярим соатдан сўнг Дарбоз дарвозаси оркали кириб, шахарнинг чанг кўчаларини пиёда айланга бошладим. Мен турли биноларга кирдим, бозорда бўлдим. Бир дўкончада 16 хил чой сотилишини билиб олдим. Лаби Ховуз майдони кираверишида мис замбараклар ўрнатилган. Амир саройи (Арқ)ни кўрдим. Унинг ўнг томонида хашаматли Колон масжиди жойлашган. Ундаги куббалар ва минораларга сон-саноксиз лайлаклар ин курган.

Шахарнинг жануби-шаркий томонида бир гурӯҳ дарвешларни учратдим. Хассага таянган дарвешларнинг кулохи остидан чиккан соchlари шамолда хилпирайди. Хориб-чарчаб Девонбеги ариги четидаги кайрогоч соясида «шивином» чойидан тўйиб ичдим. Европада чойнинг бунака навини хеч ким билмайди...»

«Бухоро ва Самарканд оралигидаги 200 километрлик масофада 11 бекат хизмат кўрсатаркан. Одатдаги поэздлар бу масофани кун давомида босиб ўтаркан. Бизнинг экспресс поэздимиз эса бу масофани 3 соатда босиб ўтди (!)»

«Самарканд шахри 2 кисмга бўлинади. Янги шахар руслар томонидан барпо этилган бўлиб, замонавий меъморчилик услуби билан фарқланади. Шахарнинг эски кисми эса муҳташам обидаларга бой бўлиб, уларни жиддий ўрганиш учун бир неча хафта вакт сарф-лашга тўгри келади».

«Аравада зиёрат килиб Бибихоним майдонига келдик. Бу ерда шу номли салобатли масжид кад кўтарган. Бу майдон Регистон каби тўгри бурчакли шакл-да бўлмаса-да, унга нисбатан нафисрок кўринади...»

«Арава бизни шахарнинг шимоли-шар-кий томонида жойлашган Марказий Осиёда энг муҳташам ансамбл - Шохи Зинда кабристонига олиб келганда яна-да кучлирок хаяжонга тушдим. Буни калам билан ифодалаш кийин. Буни тасвирлаш учун рассом бўлиш керак».

«Тошкентнинг эски шахар кисми асосан лой девор уйлар ва кингир-книйшик кўчалардан иборат. Бозор ва карвонсаройлари хам унчалик эмас».

«Тошкентда бошка шаҳарларга нисбатан кўпроқ жуҳудлар яшайди. Шаҳар рус маъмурияти ихтиёрига ўтиши билан уларнинг ахволи анча яхшиланган, улар фуқаролик хукукини кўлга киритган».

«Тошкентдан йўлга чикиб, 150 километрлик масофада бўлган Хўжанд шаҳрига кириб бордик. Бу шаҳарнинг Сирдарё бўйларидағи кисмини айландим. Дарёда йирик кемалар сузиб юрибди. Тошкентдан жануб томон чўзилган темир йўл Хўжанд шаҳрида кескин бурилиб, Кўкон томонга караб кетган. Биз Кўкондан сўнг, Маргилон ва Ўш шаҳарларидан ўтиб, Помир даралари оша Туркistonнинг Хитой билан чегараси томон йўл оламиз».

«Маргилон шаҳрида 60 минг аҳоли истикомат килади. Бу шаҳар Фаргона вилоятининг амалдаги пойтахти хисобланади. Шаҳарда кадимий обидалар деярли сакланиб колмаган».

«Марказий Осиёning бу кисмини чукур тектоник кучлар мунтазам ташвишга солиб туради. Бу ерда кучли ер силкинишлари катта вайронагарчиликка сабаб бўлади».

Шундай килиб, Жюл Верн қаҳрамони - Франтсияда чикадиган «XXI аср» газетасининг мухбири Клодиус Бомбарнак Кашкар шаҳрига, сўнг у пайтларда хам амалда бўлмаган Транс Осиё темир йўли бўйлаб Пекин шаҳрига эсон-омон етиб боради.

Китобда каламга олинган йирик ло-йихалар, шаҳарлар ва табиат тасвирлари даҳо ижодкорнинг башорат кила олиш салоҳиятидан далолат бергандек. Ёзувчи бу китобида 115 йил аввал тахмин килган Берлин - Истанбул - Техрон - Машҳад - Тошкент - Олма-ота - Урумчи - Пекин Транс Евроосиё темир йўл коридори хозирги кунда фаолият кўрсатаяпти.

Йўл Жюл Верн башоратидан бир озгина бошка худуддан ўтган бўлса-да, у чизган чизик бўйлаб «Тошкент - Ўш - Каш-кар» халкаро автотранспорт йўли курилди.

Журналист сафари ҳакидаги бу роман муаллифи Жюл Верннинг аклу заковатига тасанно айтишга арзиди. «Клодиус Бомбарнак» романи рус тилида 1961 йили Тошкентда 150 000 нусхада нашр этилган. Аммо хануз ўзбек тилига таржима килинмаган. Юртимиз хаётига оид ушбу кизикарли асар ўзбек тилида хам нашр этилса, айни муддао бўларди.

**“Хуррият” газетасидан олинди.**